

Photoshop курси бўйича амалий машғулотлар тўплами 5_1



31-дарс. Кечаси олинган фотосуратдаги салют.

1-қадам. Салют оловлари қўйилиши керак бўлган тасвирни, ундан кейин салют тасвирини очиб биринчи тасвир устига жойланг.



2-қадам. Layers (Қатламлар) мажмуасида салют тасвири қатламини икки марта чертиб **Blending Options** (Қўшиш параметрлари) бўлимига ўтинг. Очилган мулоқот ойнасининг пастки қисмида 4 та ползунок жойлашган. <Alt> тугмасини ушлаб турган ҳолда **This Layer** (Ушбу қатлам) ползуноқини ўнгга силжитинг. Бунда ползунок икки қисмга ажралади. Қора ползунокни ўнг тарафга суриб бориш жараёнида салютнинг фон тасвири “ўчиб” боради, лекин салютнинг ўзи қолади. Тасвирлар жойлашувидаги яхши сифатни олишингиз билан **OK** тугмасини босинг.




3-қадам. Салют биноларнинг олдига тушиб қолади. Бу камчиликни тўғрилаш учун **Layers** (Қатламлар) мажмуасининг қуйсидаги **Add a layer mask** (Қатлам никобини қўшиш) нишончасини чертинг. Аслаҳани танлаб **Options** (Параметрлар) панелидан **Brush Picker** (Мўйқалам танлаш) ойнасини очинг. Қаттиқ бурчакли мўйқаламни танлаб, бинолар устидан чизишни бошланг. Бунда пастки қатламда жойлашган бинолар тасвирини “очган” ҳолда салют тасвири ўчиб боради (мўйқалам билан ниқоб устига чизиб салют тасвирини ўчириб юборамиз).




32-дарс. Хромланган ёзув эффеќти.


1-ќадам. Янги ҳужжат яратинг ва **Type** (Ёзув) аслаҳаси ёрдамида керакли ёзувни киритинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасида ёзув қатламини сиконча ўнг тугмаси билан ёзув қатламини чертинг (<Ctrl+“чертиш”>) ва контекст менюсидан **Rasterize Layer** (Қатламни растерлаш) буйруғини танланг. **Gradient** (Градиент) аслаҳасини танланг ва **Options** (Параметрлар) панелидан **Gradient Editor** (Градиентни таҳрирлаш) ойнасини очинг. Расмда кўрсатилганига ўхшаганрок градиент яратинг. Яратилган градиентни сақлаш учун **New** (Яратиш) тугмасини, ундан кейин **OK** тугмасини босинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасида **Lock transparent pixels** (Шаффофликни бекитиш) нишончасини чертгач, градиентни қўллаш учун кўрсаткични ёзув устида юргизинг.



2-ќадам. **Layers** (Қатламлар) мажмуасида **Add a layer style** (Қатлам стилини кўшиш) очилувчи менюсидан **Stroke** (Айлантириш) буйруғини танланг. **Size** (Ўлчам) параметри қийматини 7 пикселгача оширинг. **Fill Type** (Қуйиш тури) очилувчи рўйхатидан **Gradient** (Градиент) қийматини танланг. Градиент нишони ёнидаги пастга тўғрилланган белгичани босиб **Gradient Picker** (Градиент танлаш) ойнасини очинг. Ушбу ойнанинг очилувчи менюсидан **Metals** (Металлар) бўлимини танлаб, “металлик” градиентлар тўпламини юклаш учун **Append** (Кўшиш) тугмасини босинг ва **Silver** градиентини танланг.




3-ќадам. **Bevel and Emboss** (Нишаб ва Бўртма) бўлимини танланг. **Style** (Стиль) менюсидан **Stroke Emboss** (Бўртма айлана) қийматини танланг, **Size** (Ўлчам) параметрига 4 пиксел қийматини бериб, **Anti-aliased** (Силлиқлаш) га белги қўйиб қўйинг. **Gloss Contour** (Сирт ялтираши) майдонидан ўнгда жойлашган кўрсаткич белгиси бор тугмани чертинг. Очилувчи **Contour Picker** (Сирт танлаш) ойнасидан **Contours** (Ташқи сиртлар) буйруғини танлаб **Append** (Кўшиш) тугмасини босинг. Учта тепалик сиртини танлаб **OK** тугмасини босинг.




33-дарс. Ёзувда желе эффекти.

1-қадам. Янги ҳужжат яратинг (**File > New**). **Type** (Ёзув) аслаҳасини танлаб “5” рақамини киритинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасидаги **Add a layer style** (Қатлам стилини қўшиш) очилувчи менюсидан **Color Overlay** (Ранг ётқизиш) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида **Blend Mode** (Қўшиш режими) майдонидан ўнгда турган ранг танлаш нишончасини чертинг ва **Color Picker** (Ранг танлаш) ойнасидан ёрқин сариқ рангни танланг. **Layer Style** (Мулоқот ойнасининг) мулоқот ойнасининг чап тарафида жойлашган стиллар рўйхатидан **Inner Shadow** (Ички соя) ёзувини танланг. **Distance** (Масофа) параметри учун 7 пиксел қийматини беринг, **Choke** (Чегаралаш) учун – 20%, **Size** (Ўлчам) параметри учун эса – 10 пиксел қийматини беринг. Лекин **OK** тугмасини босмай туринг.



2-қадам. Стиллар рўйхатидан **Inner Glow** (Ички ёритиш) бўлимини танланг. Бунда рақам ичига юпқа айлана қўшилганини кўриш мумкин. Сарғиш рангдаги нишончани чертинг ва **Color Picker** (Ранг танлаш) ойнасидан қора рангни танланг. **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 50% гача камайтиринг ва очилувчи **Blend Mode** (Қўшиш режими) ойнасидан **Multiply** (Қўпайтириш) қийматини танланг. **OK** тугмасини ҳали босишга эрта. Стиллар рўйхатидан **Bevel and Emboss** (Нишаб ва Бўртма) бўлимини танланг.



3-қадам. Очилган мулоқот ойнасида **Size** (Ўлчам) параметри учун 7 пиксел, **Soften** (Мулоқимлаштириш) учун эса 1 пиксел қийматини беринг. **Shading** параметрлар гуруҳида **Anti-aliased** (Силликлаш) га белги ўрнатиб, **Angle** (Бурчак) параметри учун 90°, **Altitude** (Нисбат) параметри учун 67° қийматларини беринг. Энди, рақамга желе эффектини бериш учун **Highlight Mode** (Ёритиш режими) параметрининг **Opacity** (Нур ўтказмаслик) ползуноқини 100% гача ошириб, **Shadow Mode** (Соялантириш режими) параметри **Opacity** (Нур ўтказмаслик) ползуноқини эса 0% гача камайтиринг.

